

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ (XVI-XIX АСРЛАР)

Пардаев Аҳрор Ҳасанович

ЖДПУ доценти

Махмуджонова Ойдина

ЖДПУ талабаси

XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида темурийлар давлатининг кучсизланиб қолганидан фойдаланиб Шайбонийхон бошлиқ Дашти Қипчоқ чорвадор қабилалари Мовароуннаҳр воҳаларини эгаллаб олдилар ва ўз ҳокимиятларини юритишга қулай бўлган воҳаларга ўрнашиб, ўтроқлашдилар. Хусусан, Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги манғитлар, Шаҳрисабз шаҳри ва унинг ён теварагидаги ҳудудларига барлос ва кенагаслар, Ўратепа ва Жиззахга юзлар, қирқлар келиб ўрнашдилар.[8, Б.342] Натижада, бу маданий воҳаларда кескин “демографик сакраш” юзага келган ва мавжуд шаҳарлар ҳудудининг кенгайишига, ички тизимларининг ўзгаришига ҳамда янги турар жойларнинг бунёд этилишига сабаб бўлди.

Археологик манбаларнинг шоҳидлигига қараганда, Жиззах воҳасининг энг қадимги ва улкан шаҳар ёдгорлиги Қалиятепада XVI асрнинг охири XVII аср бошларида ҳаёт тўхтаган. Умуман, Шайбонийлар ҳокимият тепасига келгандан сўнг Жиззахда шаҳар ҳаёти Қалиятепадан 6 км. шимолий- ғарбдаги Ўрдага кўчган. Бу даврда Қалиятепада ҳарбий қалъа – қўрғон фаолият кўрсатган.

Ўрда Жиззах воҳасини ғарб, шимоли-ғарб, шимол ва шимоли-шарқ томондан муҳофаза қилган. Бу томонлардан воҳага кириб келган ҳарбий куч Ўрданинг қаршилигига учраган. Сўнгги ўрта асрларнинг маълум даврида жануб ва шарқдан келган босқинчиларга Қалиятепа ҳимоячилари қаршилик кўрсатган. Демак, Ўрданинг бунёд этилиши ҳар томонлама пухта ўйланган, воҳа муҳофазаси жиҳатидан энг керакли ва зарур жойда барпо этилган.[5. Б.134-137]

Ўрда ва унинг атрофидаги жойларни ўрганиш, Ўрда моддий-маданиятига тааллуқли сопол идишлар парчалари тарқалган чегараларни аниқлаш, этнографик маълумотлар, ахборотчи-суҳбатдошлар томонидан билдирилган фикрларни тўплаш ва уларни топографик план чизмаларига солиштириш, қиёсий ўрганиш орқали хонликлар давридаги Жиззах Тупроққўрғонининг (Ўрда) умумий майдони, сарҳадлари, тарихий топографиясига муҳим аниқликлар киритилди. Изланишларимиздан маълум бўлдики, Ўрда плани 1х5000 см. масштаби ўлчамда (яъни 1см. да 50 м.) тузилган. Топографик план бўйича Ўрда тўғри тўртбурчаксимон кўринишда. Унинг шимол-жануб йўналиши бўйича чўзилиб кетган томонлари ўлчами 1100 м. х 900 м.га тенг. Квадратсимон шаклдаги арк, шаҳристоннинг ўртасида жойлашган. Унинг томонлари 300 м. х 200 м. га тенг. Ушбу рақамлардан келиб чиққан ҳолда Ўрданинг умумий майдони деярли 100 га.ни, арки 6 га. ни ташкил қилган деб айтиш мумкин.

Мудофаа деворларининг ташқи томонида сувга тўлдирилган хандақлар ўрни қайд этилган. Шаҳарга кириш учун ҳар учала дарвоза олдида осма кўприк мавжуд бўлган. Манғитлар сулоласи тарихини ёзган Аҳмад Донишнинг эътироф этишича, Жиззах Ўрдаси дарвозаларини руслар бузиб кирмасликлари учун, дарвозаларнинг ички томонига араваларда ташиб тупроқ уюлган. Муаллифнинг ёзишига қараганда, узоқ давом этган ҳужум ва саъй-ҳаракатдан сўнг Ўратепа дарвозаси томонидан рус аскарлари Ўрдага бостириб киришганда, мудофаачиларнинг чиқиш учун барча йўллари берк бўлиб, Тошкент ва Самарқанд дарвозаларини очиш имконияти бўлмаган. Шу сабабли кўплаб жиззахлик ҳимоячилар ўзларини баландлиги 10 м. бўлган деворлар устидан ташлаб ҳалок бўлган.[2. Б.142]

Ўрдада аҳоли ниҳоятда зич яшаган. Буни ахборотчиларимиз маълумоти ва топографик пландан ҳам билишимиз мумкин. Маҳаллалар деярли мудофаа деворлари орқасидан бошланган, бу ҳудудларда деярли очиқ майдонлар йўқ. Кўчалар ниҳоятда тор, бир-бири билан туташган, ва бу кўчаларнинг барчаси Ўрда ҳокими арки майдонига олиб чиққан. Арк атрофидагина маълум сайхонлик, очиқ мавзе мавжуд бўлган.

1868 йилда Жиззахга ташриф буюрган А.П.Федченконинг ёзишича, - «Жиззах унча катта бўлмаган шаҳар, унда беш минг аҳоли яшайди». [7, Б. 48, 63]

Таниқли тадқиқотчи А.П.Федченко Ўрда олингандан кейин ҳам баҳоли - қудрат унда яшаб турган аҳоли ҳақида маълумот берган. Воҳаланки, Ўрданинг ташқарисида жойлашган Заргарлик, Мискарлик, Темирчилик, Кулоллик, Совунгарлик, Кўнчилик, Қассоблик каби маълум касб-корга ихтисослашган маҳаллалар, ёзда дала ҳовлида, қишда Ўрдада яшовчи Ўратепалик, Мўлканлик, Тошкентлик, Ховослик, Оққўрғонлик ... каби маҳаллалар аҳолисини ҳисобга олиб фикрлайдиган бўлсак XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрда аҳолиси таниқли географ-сайёҳ А.П. Федченко кўрсатган сондан бир неча маротаба кўп бўлган.[4, Б. 55-56]

Жиззах беклиги тасарруфида яшаган аҳолининг сонини тадқиқ этилаётган даврларда қанча бўлганлигини фақат солиштириш, қиёслаш орқали тахминан белгилаш мумкин. Масалан, XIX асрнинг 40-йилларида аҳолиси 100 минг ҳисобланган Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлардан Бухоро амири қўшини учун 1000 отлиқ сарбоз олинган. Шу маънода Жиззахдан 500 отлиқ сарбоз олинган.[2. Б. 490] Агар отлиқ сарбозлар аҳолининг умумий сонидан 10 тадан 1 та ҳисобида олинган бўлса Жиззах беклиги аҳолиси бу даврда 50 минг кишидан кам бўлмаган.

Ўрта Осиёнинг бошқа маданий воҳалари сингари Жиззахда ҳам турмуш тарзи ва ҳўжалиги, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти хўсўсиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтроқ деҳқончилик, ҳўнармандчилик, ярим ўтроқ ва кўчманчи чорвачиликка ихтисослашган бўлган. Таъкидлаш лозимки, асосан ҳўнармандчилик билан шўғулланадиган шаҳар аҳолиси билан шаҳар атрофидаги қишлоқларда деҳқончилик билан шўғулланувчи аҳоли ўртасида қатъий тафовут бўлмаган. Ушбу қишлоқлар аҳолиси шаҳар аҳолиси мақомига эга бўлган. Чўнки деҳқончилик билан шўғулланувчи қишлоқ аҳолисининг Жиззах Ўрдасида ҳам маҳаллалари бўлган ва улар асосан қишки мавсўмда шаҳардаги

маҳаллаларида истиқомат қилишган. Деҳқонларнинг ўз қишлоқларида мунтазам, муқим яшамасликларининг асосий сабаби Қўқон хонлари, Ўратепа ҳокимлари томонидан тез-тез қилинадиган ҳарбий ҳаракатлар, босқинчилик юришлари бўлган.

Дарвоқе, ўрганилаётган даврда Жиззах ва Ўратепа ҳақиқий маънода бот-бот катта жанггоҳга айланган. Чунки Қўқон хонлари мабодо Жиззахни қўлга киритгудек бўлса, нисбатан бой Самарқанд ва унинг атрофидаги қишлоқларга талончилик юришларини қилиш имкониятига эга бўлар эди. Ўратепани бўйсундирган Бухоро ҳукмдорлари эса Хўжандга ва ундан Қўқонга хавф солиши мумкин эди. Бу каби сабаблар, Жиззах беклигининг маъмурий маркази Ўрда қўрғони муҳофаа тизимларини мустаҳкам ва қудратли бўлиб шаклланишига олиб келган.

XVIII-XIX асрларда Жиззах воҳасида содир бўлган урбанизация жараёнларига асосан демографик ўсиш сабаб бўлган. Бундай демографик ўсишлар кўпинча мажбурий суратда бўлиб, унинг сабаби Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги сиёсий келишмовчиликлар, ҳарбий тўқнашувлар бўлган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ўратепа, Зомин, Ём қалъа – қўрғонлари ва уларнинг атрофидаги аҳоли мавзеларига Қўқон хонлиги қўшинлари, Хўжанд ҳокимлиги томонидан кўп маротаба талончилик юришлари уюштирилган. Бундай талончилик урушларидан безган аҳоли Жиззахга кўчиб, Ўрда ва унинг атрофига ўtroқлашган. Олмачи, Тоқчилик, Равотлик маҳаллаларига шу тариқа асос солинган. [6, Б. 16]

XVIII асрнинг 70-80 йилларида амир Дониёл ва амир Шоҳмурод даврида аҳолиси камайиб кетган марказий ва чегара шаҳарларга қўшни ҳудудлардан аҳолини кўчириш сиёсати ўтказилган.[1, Б. 335] Ҳудди Самарқанддагидек, Жиззахда ҳам бу даврда янги маҳаллалар қўшни туманлар аҳолиси ҳисобидан бунёд этилган. Оққўрғонлик, Ўратепалик, Тошкентлик, Хайробошлик, Ховослик, Ғалча каби маҳаллалар Жиззахга қўшни ҳудудлардан аҳолини кўчирма қилиш сиёсати натижасида ташкил топган.

Шундай қилиб, Жиззах Ўрдаси хусусида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин.

- Жиззах воҳасидаги шаҳар ҳаёти Амир Темур ва темурийлар даврида Қалиятепадан Ўрдага кўчган.

- Жиззах Ўрдасининг шаҳар мақомида фаолият бошлаган даври милодий V-VI асрлар билан белгиланиб, шаҳар XVI аср, шайбонийлар давридан мустаҳкам муҳофаа истеҳкомларига эга, муҳим ҳарбий қалъа-қўрғон сифатида қарор топган.

- Аштархонийлар даврида Жиззахда (Ўрдада) ҳаёт маълум даражада таназзулга юз тутди. Бунга қалмоқлардан қочган қозоқларнинг келиши, Нодиршоҳ истилоси натижасида худди Самарқанддагидек аҳолини турли тарафга тарқаб кетиши сабаб бўлган.

- XVIII асрнинг иккинчи ярмида, манғитлар сулоласи ҳукмдорлари амир Дониёл (1758-1785 й.) айниқса амир Шоҳмурод (1785-1800 й.) даврида Жиззахга турли жойлардан аҳоли кўчириб келтирилади ва янги маҳаллаларга асос солиниб, аҳоли нуфузи оширилган.

•XVIII асрдан бошлаб, Ўрданинг мавқеи ва мақоми ошади. Энди Ўрда нафақат ҳарбий қароргоҳ, балки, маъмурий марказ, тинч аҳолининг қишки турар - жойи, савдосотиқ, ҳунармандчилик, маданият макони сифатида фаолият кўрсатган.

•XVIII аср ва XIX асрнинг 60-йилларига қадар Жиззах, хусусан, Ўрда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги, қисман Ўратепа беклиги ўртасида талаш бўлган, катта жанггоҳга айланган ўлка сифатида характерланади.

•Ўрда атрофидаги мавзеларда деҳқончилик, чорвачилик ривожланади. Деҳқон ва чорвадор халқлар учун Ўрда маъмурий, маданий марказ бўлиб хизмат қилган.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. “Мерос” туркуми, “Камалак”, Т, 1991, 335-б.
2. Аҳмад Дониш. Трактат Ахмада Даниша «История мангитской династии». Перевод, предисловие и примечание И.А.Наджафовой. Д., «Дониш», 1967, 142-б.
3. Берис А. Путешествие в Бухару лейтенанта Ост – Индийской компанейской службы А.Бериса. Университетская типография. 1849, с. 490.
4. Пардаев А., Пардаев М. Жиззах Ўтмиши Ўрганишда //Ўзбекистон қадимда ва илк Ўрта асрларда. М.Б. Самарқанд, 1992.: 55-56 б.
5. Пардаев М, Пардаев А. Жиззах Ўрдаси // Қадимий Қарши – Ўрта Осиё шаҳарсозлиги ва маданияти тарихи. Халқаро илмий анжуман материаллари. Қарши, “Насаф”, 1999, 134-137 б.
6. Пардаев А.Ҳ. Жиззах беклиги – Ўрта Осиё хонликлари даврида (XV асрдан XIX асрнинг 60 йилларигача) тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т., 2004, 16 б.
7. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. М., 1950. с. 48, 63
8. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа (историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента) Т., Фан, 1974, 342-с.